*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2013 йил
27 февраль
ЧОРШАНБА
№ 16
(12.548)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

Бугуннинг гапи



# ДАЛА ВА БОҒЛАРДА ИШ ҚИЗҒИН

**Зангиота туманидаги "Улуғбек Отабек файз" нисбатан чоғроқ хўжалик. Унинг бошлиғи Тошпўлат Қосимовни оилавий фермер деса ҳам бўлади. Сабаби – фермер хўжалиги боғдорчиликка, янада тўғрироғи олхўричиликка ихтисослашган. Ери бор-йўғи 9,8 гектар. Аммо олхўрининг "Майсара"дан тортиб "Лето" ва "Венгерка" навигача бор. Ҳосилдорлик ҳам чакки эмас. Йилига 10 тоннадан ошириб маҳсулот сотилади.**

Фермернинг ҳикоя қилишича, хўжаликдаги барча асосий ишларни оила аъзолари ва уч-тўрт қариндош-уруғларнинг ўзлари бажаришаверади. Фақат мавсуми келганда, масалан, ҳосил ғарқ пишганда, четдан ёрдамчи куч ёллашга тўғри келади.

– Боғдорчиликнинг асосий шартларидан бири, яъни фермердан биринчи галда талаб қилинадигани – боғни бир чеккадан, расамади билан янгилаб бориш, – дейди Тошпўлат Қосимов. – Биз шунга жиддий эътибор берамиз. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-текшириш институти билан шартнома тузганмиз. Вақти келганда керагича кўчат олиб, боғнинг эскирган қисмини янгилаймиз. Ҳозир боғнинг эскирган бир гектар қисмидаги қари дарахтлар ўрнига, ерни қайта тайёрлаб, ёш ниҳоллар ўтқазаяпмиз.

"Мақсуд файз" туманнинг кўп тармоқли фермер хўжаликларидан. Тасарруфида 40 гектар ер бор. Ўн гектарида ғалла етиштиради. Ҳосилдорлик 60 центнердан пастга тушмайди. Давлат эҳтиёжлари учун шартномага мувофиқ 33 центнер юзасидан дон топширилади. Ортгани хўжаликнинг ички корҳолига яратилади.

Уч гектарли олхўри боғи бор. Асосан "Лето" нави. Қолганида турли сабзавотлар етиштирилади. Хўжалик эртаки карамни барвақт етилтиришнинг ҳадисини олган. Аъзолар полиэтилен плёнкадан усталик билан фойдаланишади.



– Бу йил беш гектарга "Фарово" номли эртаки карам навини плёнка остига экдик, – дейди фермер хўжалиги раҳбари Жаҳонгир Довудов. – Кўчат сархил бўлгани учун яхши тутди. Қолаверса, ёғингарчилик кўп бўлиб, нам етарли сақланди. Ҳадемай, биринчи ишловни бошлаш керак бўлади. Бунинг учун эса, аввал экинга дастлабки ўғитни бериб, сувга тайёрлаш зарур. Ҳозир аъзоларимиз шунинг ҳаракатидалар.

**СУРАТДА:** фермер Тошпўлат Қосимов мевали дарахтларга шакл бермоқда.

**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

---

*Тошкент вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ*

## Д. СУЛТОНОВНИ БЎКА ТУМАНИ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 2-моддасига мувофиқ ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

Тошкент вилояти Бўка тумани ҳокими лавозимига Султонов Даврон Иброҳимович 2013 йил 22 февралдан тайинлансин.

Ушбу қарор Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдаги сессиясига тасдиқ учун киритилсин.

**Вилоят ҳокими Р. ХОЛМАТОВ.**

Тошкент шаҳри, 2013 йил 23 февраль.

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ БЎКА ТУМАНИ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

**Халқ депутатлари Бўка тумани Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди.**

Сессия Оққўрғон тумани Ички ишлар бўлими бошлиғи бўлиб ишлаб келган Султонов Даврон Иброҳимовични Бўка тумани ҳокими этиб тасдиқлади.

---

1 март – Ўзбекистон халқ шоираси Зулфияхоним таваллуд топган кун

## ХАЛҚҚА АЙТАР СЎЗИ БОР ЭДИ

**1 март – баҳорнинг илк куни. Ижод аҳлига илҳом бахш этувчи фасл. Ўзбек халқининг атоқли шоираси, муҳаббат ва садоқат куйчиси Зулфияхоним баҳорнинг илк кунида таваллуд топган эди. Ҳар доим баҳор келганида шоиранинг "Баҳор келди сени сўроқлаб" шеъри беихтиёр ёдга тушади. Зулфия нафақат баҳорни, балки барча ҳаёт неъматларини, меҳр-муҳаббатни ардоқлаб, соғиниб яшайди...**




*Ўзинг ташна эдинг, ўзинг сув тутдинг,*
*Қалбимдаги саҳром, дарёмсан, халқим!*
*Сени сева-сева мен бойиб кетдим,*
*Дунё ичра топган дунёмсан, халқим!*
*Юрак чақмоқ теккан осмон юзидай,*
*Лекин эътиқодим, иймоним бутун,*
*Умримда қилганим озми-кўпимдан,*
*Меҳринг дарёсидан сероблан бу кун...*
*Ҳали бор олдинда ўтмаган бурчим,*
*Ўтмайман кўзимда тирик турса нур.*
*Умримдаги барча фасллар учун*
*Ўзига бек халқим, Сенга ташаккур!*

Чиндан ҳам меҳр-муҳаббат бўлмаса олам ҳам, инсон ҳам ёшариб, гўзаллашмайди. Буни атоқли шоирамиз Зулфияхоним яхши англаб етарди. Улуғ шоиримиз Ҳамид Олимжон ибораси билан айтганда, Зулфияхоним "ўхшаши йўқ" шоира эди. Одамлар назарига тушган кунданоқ Ҳамид Олимжон билан бирга бўлди ва умрининг охиригача шоир ёди билан яшади. У Ишқ ва Вафо тимсоли эди!

Мен шеърларини севиб ўқиган биринчи шоирим Ҳамид Олимжон бўлса, Зулфия қалбимга меҳр берган биринчи шоиралардан. Унинг муштдек юрагида дунёларга татийдиган меҳр-муҳаббат, гулдан нозик жуссасида ҳаётнинг залворли юкини кўтаргувчи куч бор. Зулфияхоним шундай аёллардан эди.

Унинг эл-юрти, Ватани, фарзандлари, турмуш ўртоғи Ҳамид Олимжоннинг ёрқин хотирасига бағишланган шеърлари адабиёт ихлосмандларининг қалбидан жой олган. Шоиранинг қалб туғёнларига лиммо-лим шеърий мисралари ўзбек адабиётида алоҳида мактаб бўлса, тақдирнинг аччиқ синовларига дош бериб, қаддини баланд тутиб, оналик меҳрию чексиз садоқати билан ҳаётнинг пасту баландини енгиб ўтиши кўпчиликка ибрат бўлди. Давлат арбоби даражасига кўтарилган, халқ манфаати, равнақи деб ёниб яшаган Зулфияхоним зиммасидаги масъулиятни аъло даражада бажарди.

Зулфияхоним билан боғлиқ бир воқеани атоқли ёзувчи, шоир Барот Бойқобилов "Меҳр кўп кўргизди..." мақоласида шундай таърифлайди: "...Ёшлигимдан меҳр қўйиб юрган шоирларимдан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳазратлари эди. Бобур шеърияти мени сеҳрли бир дунёга бошлаб кирган бўлса, унинг қисмати – кун ва тундан иборат ҳаёти, Ватан соғинчи, "ғурбатда ғариб"нинг шодумон бўлмаганлиги менинг қўлимга қалам тутқазди ва Бобур ҳақида "Кун ва тун" достонини (1966) ёзишга даъват этди.

(Давоми 2-бетда).

---

## ЯПОНИЯДА ТАҚДИМОТ

**Ўзбекистоннинг Япониядаги дипломатия ваколатхонаси томонидан Токиода ташкил этилган тақдимот маросимида мамлакатимизда сайёҳлик соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, ноёб тарихий ёдгорликлар, ўлкамизнинг жўғрофий, табиий ва иқлимий шароитлари, шунингдек, юртимизнинг замонавий тараққиётига оид атрофлича маълумотлар тадбир иштирокчиларининг эътиборига ҳавола этилди.**

Мамлакатимиз бағрида жойлашган бетакрор маданий ва меъморий осориатиқалар, шунингдек, ўзбек заминининг ноёб ўсимлик ва ҳайвонот олами билан танишишни ўз ичига олган ранг-баранг сайёҳлик дастурлари японияликларда катта қизиқиш уйғотди.

Мэгуро шаҳар Маданият уюшмаси президенти Рейко Като "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбири билан мулоқот чоғида ушбу тадбир юртимизнинг нафақат сайёҳлик имкониятлари, балки ўзбек халқ амалий санъати намуналари, миллий либослар ҳамда Ўзбекистоннинг тарихи ва замонавий тараққиёти билан ҳам яқиндан танишиш учун қулай имконият яратганини қайд этди.

Унинг айтишича, ўзбек ва япон халқлари Буюк Ипак йўли даврига бориб тақаладиган қадим ҳамкорлик алоқаларига эгадирлар. "Ўзбекистон мавзуига бағишланган тақдимот маросимининг ўтказилиши мамлакатларимиз ўртасида олиб борилаётган фаол маданий ва гуманитар алмашувларнинг мантиқий давоми ҳисобланади", деди у.

Мэгуро шаҳар мэрининг ўринбосари Йошитеру Катонинг баёнот беришича, бўлиб ўтган мазкур анжуман ўзбек халқининг тарихий-маданий мероси нақадар бой эканлигини яна бир бор намоён қилди.

Унинг айтишига қараганда, Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳаларда қўлга киритилган муваффақиятлар республикада ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотлар нақадар самарадор эканлигидан яққол далолат беради. "Япония билан ўзаро дўстона муносабатлар учун мустаҳкам заминнинг мавжудлиги эса тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик тамойилларига асосланган стратегик шерикликни ҳар томонлама чуқурлаштириш учун асос бўлади", деди Й. Като.

Тадбир интиҳосида мамлакатимизнинг улкан сайёҳлик имкониятлари ҳақида ҳикоя қиладиган ҳужжатли фильмнинг намойиш этилгани тақдимот мазмундорлигини янада оширди.

**"Жаҳон" АА.**

---

Семинар

**"Пойтахт" бизнес-марказида Тошкент вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва Конрад Аденауэр фондининг Марказий Осиё бўйича вакиллиги ҳамкорлигида "Омбудсманнинг фуқаролик жамияти билан ўзаро ҳамкорлиги: жамоатчилик назоратини амалда юритишнинг миллий ва хорижий тажрибаси" мавзусида семинар ташкил этилди.**

## МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Машғулотлар вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Сайёра Рашидова, Конрад Аденауэр фондининг Марказий Осиё бўйича минтақавий мухтор вакили, доктор Томас Кунценинг кириш сўзлари билан бошланди.

Икки кун давом этган семинар иштирокчилари Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуришнинг бугунги босқичида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти – жамоат назоратини таъминлашнинг муҳим қисми, прокуратура органларининг ҳуқуқдан самарали фойдаланишни таъминлашда жамоатчилик билан ҳамкорлиги, ички ишлар органларининг ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликдаги вазифалари, шунингдек, хотин-қизлар қўмиталари ва касаба уюшмаларининг оила ва аёллар ҳуқуқларини таъминлаш, маъмуриятнинг тўлиқ меҳнат шарт-шароитларини яратишга оид фаолиятини назорат қилиш ва ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялашда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги каби қатор муҳим мавзуларда маърузалар тинглаб, муҳокама қилдилар.

Семинарнинг иккинчи иш куни охирида иштирокчилар икки гуруҳга бўлиниб, алоҳида машғулотлар ўтказишди.

**Ўз мухбиримиз.**

---

Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллиги олдидан

## «ЎЗМЕТКОМБИНАТ» ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

**Бекобод шаҳридаги "Ўзбекистон металлургия комбинати" – "Ўзметкомбинат" очиқ акциядорлик жамияти нафақат Тошкент вилоятида, балки мамлакатимиздаги йирик ишлаб чиқариш корхоналаридан биридир.**



Комбинатда иш сифати ва унумдорлигини ошириш, маҳсулот турини кўпайтириш, сифатли ва рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш, мавжуд цехларни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, янгиларини ишга тушириш ишларига алоҳида эътибор қаратилаётир.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 12 мартда қабул қилинган "2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда. Корхонада ушбу ҳужжат ижроси юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, бир неча цехлар таъмирланди. Сим ва электрод ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, чиқиндиларни қайта ишлаш цехида янги технологик линия ишга туширилди. Пўлат эритиш цехи қозони, ҳаво ва газ қувурларининг ускуналари янгиланди.

– Бу борадаги ишлар жорий йилда ҳам давом эттирилмоқда, – дейди комбинатнинг муҳандислик марказии раҳбари ўринбосари, инвестиция департаменти бошлиғи Наримон Умиров. – Яқинда электрда пўлат эритиш цехининг учинчи узлуксиз пўлат қуйиш, пўлатга комплекс ишлов бериш қурилмаларини реконструкция қилиш ишлари бошланди. Бу иш доирасида металл қуйиш жараёни автоматлаштирилади. 9,48 миллион долларлик ушбу инвестицион лойиҳани амалга ошириш ишларини 2013 йилнинг июнь ойигача тугаллаш мўлжалланмоқда.

Бундан ташқари, яқин вақтда металлга вакуум остида ишлов бериш технологик қурилмасини ўрнатишга киришилади. Жорий йилда якунлаш мўлжалланаётган мазкур лойиҳа учун 19 миллион АҚШ долларига тенг миқдорда инвестиция киритилмоқда.

– Тўққиз юз нафарга яқин ишчи меҳнат қилаётган бўлимимизда амалга оширилаётган бундай кенг кўламли ишлар цехимиз маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик қувватини 370 минг тоннадан 850 минг тоннага етказиш имконини беради, – дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, электрда пўлат эритиш цехининг катта пўлат эритувчиси Олим Тўйчиев. – Ишчиларимизнинг меҳнат хавфсизлигини таъминлаш янада яхшиланади, янги иш ўринлари яратилади. Буларнинг барчаси Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўлами ислоҳотларнинг юксак самараларидир.

Комбинатга жойлардан етказиб берилаётган хом ашё – қора металл парчалари ва чиқиндилари электрда пўлат эритиш ва мартен цехларида қуюлмага айлантирилаётир. Бир кеча-кундузда ўртача 2 минг 600 тонна шундай маҳсулот тайёрланмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Маънавият

# ХАЛҚҚА АЙТАР СЎЗИ БОР ЭДИ

Достон Ёзувчилар уюшмаси кенгашида муҳокама қилинди ва нашр этишга тавсия берилди. Достонни "Шарқ юлдузи" босмага тайёрлаган (1968) бир пайтда Бобур ҳақида таъқибий гаплар тарқалди... Шу йўсин достон босилмай қолди. Ҳамид Ғулом "Шарқ юлдузи" журналининг масъул муҳаррири эди. У киши, достонингизни Зулфия опангиз ўқиб берсалар, деб маслаҳат берди. Достонни кўтариб, "Саодат" журнали таҳририятига бордим. Зулфия опа яхши кутиб олди, мени диққат билан тинглади ва асаримни олиб қолди. Бир неча кундан кейин чақириб, ўз фикрини айтди ва Ҳиндистонга бир бориб келинг, мен ёрдам бераман, Бобур изидан юрган шоир бахтли шоирдир, деди менга оқ йўл тилагандек. Ўша пайтда Зулфия опа Ўзбекистон ва Ҳиндистон дўстлик жамиятининг раиси эди.

Ҳиндистон ва Покистонга (1970) сафар қилдим. Бобур ва унинг авлодлари ҳаёт кечирган элу юртларни кўрдим. Деҳли, Агра, Лоҳурдаги буюк санъат обидаларидан ҳайратда қолдим. Сафар таассуротлари натижаси ўлароқ "Шарқ гулдастаси" шеърлар туркуми ва "Тожмаҳал" достони юзага келди. Бу асарларни ҳам Зулфия опа диққат билан ўқиб, қимматли маслаҳат берганлари ҳамон эсимда. "Кун ва тун" (Бобур достони) ўн беш йилдан сўнг босилди. Бошқа тилларга таржима қилинди, эл меҳрини қозонди. Бунда Зулфия опанинг ҳам хизматлари бор".

Дарҳақиқат, Зулфияхоним меҳрибон устоз, мунис она, фозил олима, оқила раҳбар эди. У кишининг меҳридан баҳраманд бўлмаган шоиру адиб кам. Зулфияхоним элу юртимизга Ҳамид Олимжон бўлиб ҳам астойдил ва ҳалол хизмат қилди.

Бугунги кунда ёш қизларимиз: "Зулфияхонимнинг қизлари бўлгимиз келади, шоиранинг излари бўлгимиз келади", деб қўлга қалам олаётганини, ёш истеъдодларнинг кундан-кун куртак чиқариб, қанот ёйишини кўринг...

Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида аёлларимизнинг жамиятдаги нуфузини оширишга қаратилган бир қатор хайрли ишлар қилинди. Хотин-қизларнинг истеъдод ва иқтидорини намоён этишга кенг имконият яратилди. Ўзининг вафо ва садоқати, оналик меҳри ва аёллик жасорати, кези келганда раҳбарлик салоҳияти билан ўзбек аёллари учун ибратга айланган шоира номи билан аталувчи Давлат мукофоти таъсис этилди. Бугун ушбу мукофот ҳар бир ўзбек қизининг юрагида юксак орзуларни учқунлантириб, ижодга чорламоқда. Ўзбекистон қизларининг бахту саодати учун қилинаётган бу эзгу ишлар, келажакда, албатта, ўз самарасини беради.

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Мирислом БАДАЛОВ,**
**тадқиқотчи.**

Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллиги олдидан

# «ЎЗМЕТКОМБИНАТ» ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

Корхонада қурилишда кўп ишлатиладиган пўлатдан тайёрланган турли ўлчам ва шаклдаги маҳсулотлар, сим ва тиканли симлар, диаметри 40 дан 120 миллиметргача бўлган пўлат золдирлар, мис ва латун ленталар, кўп турдаги замонавий уй-рўзғор буюмлари ҳамда хўжалик моллари ишлаб чиқарилмоқда.

– Цехимизда чойнак, лаган, тоғора, манти қасқон каби идишларнинг 43 хили тайёрланмоқда, – дейди комбинатнинг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш цехи бошлиғи Аҳмаджон Узоқов. – 2012 йилда 2 минг 164 тонна шу хилдаги маҳсулот ишлаб чиқардик. Жорий йилда бу кўрсаткични янада оширишни мўлжалламоқдамиз. Тайёр идишларимиз шу ернинг ўзида қадоқланиб, Тошкент, Бухоро, Андижон ва Фарғона вилоятларидаги ўндан ортиқ савдо дўконларимизга етказиб берилмоқда.

"Ўзметкомбинат" тармоқ ва ҳудудий саноат ярмаркаларида, Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида фаол иштирок этиб келмоқда. 2012 йили шундай тадбирларда 20,6 миллиард сўмлик шартномалар тузилгани шундан далолатдир.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Комбинатда ўн минг нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Бегали Жўраев шу ерлик фаол ёшлардан. Бекобод техника-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежининг металлургия йўналишини тамомлаган бу йигит комбинатнинг пўлат эритиш цехида ишламоқда.



– Мутахассислигим бўйича шаҳримизнинг йирик корхонасида меҳнат қилаётганим ва тажриба ошираётганимдан хурсандман, – дейди Бегали. – Давлатимиз раҳбари томонидан биз, ёшларга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётгани туфайли ҳаётда ўз ўрнимизни топмоқдамиз.

Корхона ишчиларининг 30 фоиздан кўпроғини ёшлар ташкил этади. Улар ҳаётидан, эл-юртга нафи тегаётганидан мамнун.

Касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик ўрнатган комбинатда ҳозирги кунда кўплаб талаба-ёшлар ишлаб чиқариш амалиётини ўтамоқда. Уларга тажрибали металлурглар соҳа сир-асрорларини, замонавий иш услубларини ўргатаётир.

"Ўзметкомбинат"да касаначиликни ривожлантириш борасида ҳам изчил ишлар йўлга қўйилган. Бу борада Президентимизнинг 2006 йил 5 январда қабул қилинган "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозир 186 нафар касаначи корхона билан тузилган шартнома асосида меҳнат қилмоқда.

Корхона қошида чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик ҳам ривожлантирилмоқда. Икки юз бошдан зиёд корамол, 17 минг бош парранда парваришланмоқда.

Металлурглар самарали меҳнат қилиши, ҳордиқ чиқариши, малака ошириши ва спорт билан шуғулланиши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Корхонанинг "Металлург" стадиони, ёпиқ сузиш ҳавзаси, "Ёшлик" каби энг замонавий шарт-шароитларга эга спорт-соғломлаштириш иншоотларида ишчи-хизматчилар ва уларнинг фарзандлари сузиш, футбол, волейбол, бокс, енгил атлетика, гимнастрада, бадиий гимнастика, самбо, шашка, шахмат, таэквандо каби спорт турлари билан мунтазам шуғулланмоқда, турли спорт мусобақаларида фаол иштирок этмоқда.

Ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари корхона мутасаддиларининг доимий эътиборида туради. Белгиланган тартиб бўйича санаторий ва сиҳатгоҳларга имтиёзли йўлланмалар, биринчи бор никоҳдан ўтаётган ёшлар ва шундай оилаларнинг биринчи фарзанди учун энг кам иш ҳақининг 5 баробаридан 10 баробаригача миқдорда тўёна ва суюнчи пуллари берилади.

Обод турмуш йилида комбинат жамоаси ҳамда Бекобод шаҳри аҳолисининг турмуши янада фаровон ва обод бўлишини таъминлаш, корхона атрофини ободонлаштиришга қаратилган ишлар кўлами янада кенгаймоқда. Ишчиларнинг моддий ва маънавий манфаатдорлигини ошириш, кириб келаётган баҳор фаслининг илк кунларида комбинат ҳудудига яна минглаб гул, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экиш режалаштирилган. Зеро, озода, обод ерда иш унуми ҳам юқори бўлади, бундай жойдан қут-барака аримайди, муҳими, изчил юксалишга эришилади.

**Холмурод САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# КЎНГИЛЛИ УЧРАШУВЛАР

**"Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик жамияти ҳудудидаги маҳаллаларда Обод турмуш йилига бағишлаб учрашув ва эркин мулоқотлар уюштирилмоқда.**

Тадбирларда Обод турмуш йилида амалга ошириладиган ишлар билан бирга соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёшларни оила қуришга тайёрлаш, ота-оналарнинг бу борадаги вазифалари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилиб, тегишли тавсиялар берилмоқда.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

Қишлоқ мулкдорлари

# «САИДМАЛИК ОТА» ОЛИСНИ КЎЗЛАЯПТИ

**Чорвачиликни деҳқончилик билан таққослаб бўлмайди. Далада бугун қўллаган янгилик натижасини эртага кўриш мумкин. Чорвачиликда ундай эмас. Подани зотли моллар билан тўлдириб, сут-гўштни кўпайтириш учун йиллаб вақт керак. Масалан, ҳар қандай сигирнинг зотли, яъни маҳсулдорлиги учинчи туғишидан сўнг берган сутидан билинади. Демак, бузоқ туғилиб, учинчи марта туққунча, камида 5-6 йил ўтади.**

Юқори чирчиқлик Саидазим Умаров 2003 йили "Саидмалик ота" фермер хўжалигини ташкил этишдан аввал шуларни ҳисобга олди. Тезроқ мол туёғини кўпайтиришни эмас, уларнинг зотига эътибор бериб, янглишмади. Тўғри, вилоят миқёсида қаралса, унинг фермаси ҳали анча чоғроқ. Қорамол эндигина 27 бошга етди. Яна 11 та қўйи ҳам бор. Аммо, бир сигирдан кунига ўртача 16-17 литрдан сут соғиб олинаётгани анча юқори натижа. Хўжалик атрофдаги боғча ва мактабларга шартнома асосида кунда 137 литр сут етказиб бераяпти.

– Оёққа туриш жараёнини босиб ўтдик ҳисоб, – дейди Саидазим Умаров. – Ҳозир 9 бош ғунажинни зооветеринария қоидаларига асосан парваришлаяпмиз, ҳадемай, сигирлар подасига қўшилади. Қолаверса, ўғилларим Анвар, Козим, Холхўжа аллақачон ёнимга кириб, иш ўрганишди. Келажакда хўжалик шуларга қолади. Буёғига фермамиз ҳам тез кенгаяди, янги тармоқлар очилади. "Агробанк"дан 200 миллион сўм кредит олиб, сут ва гўшт маҳсулотлари етиштириш цехи қурмоқчимиз.



**СУРАТДА:** фермер Саидазим Умаров.

**Собир ЗУФАРОВ**
**олган сурат.**

Партия ташаббуси

# МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

*Бу савдо янграр ҳамон,*
*Сира адо бўлмайди.*
*Олам айтар:*
*Ҳеч қачон*
*Она тилим ўлмайди.*

**Шоир Эркин Воҳидовнинг ушбу шеърини кўпчилик ёддан билади. Зеро, унинг мазмун-моҳияти ниҳоятда чуқур. У шу орқали она тилимизнинг нақадар бой ва бутун бир миллат кўзгуси эканини ифодалаган.**

Паркент туманидаги тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида ўтган маънавий-маърифий тадбир шоирнинг юқорида келтирилган шеъри билан бошланди.

"Тил миллат маънавияти кўзгуси" мавзусида ўтган адабий кечада ЎзХДП вилоят ва туман кенгаши вакиллари, ота-оналар ва ўқувчилар иштирок этди. Меҳмонлар "Тилнинг равнақи" мавзусида ўқувчилар билан суҳбат уюштирдилар. Ўқувчилар ўзбек тили ҳақидаги бор билим ва кўникмаларини намойиш этдилар.



Тадбир шеърхонликка уланди. Ўқувчиларнинг мавзуга доир шеърларни ёддан ифодали ўқишлари ва бадиий чиқишлари қизғин олқишланди.

ЎзХДП ташаббуси билан вилоятимизнинг кўплаб шаҳар ва туманларида ўтказилаётган бу каби тадбирлар ёшлар орасида она тилимизга эътибор ва ҳурматни кучайтириш, тилни мукаммал эгаллашга, ўзликни англашга, қадриятларни эъзозлашга ўргатмоқда.

**Собир ЗУФАРОВ**
**олган сурат.**

# МАҲАЛЛА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИ



Бўстонлиқ туманидаги Ғазалкент хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида Ўзбекистон ХДП Марказий ва вилоят кенгаши ҳамда республика Марказий банки вилоят бошқармаси ҳамкорлигида "Маҳалла – аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирга йиғилганлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ХДП аъзолари ва банк мутахассисларининг аҳоли бандлигини таъминлашнинг қонуний асослари, маҳалла фаолларининг ундаги роли ва ўрни, яратилаётган шарт-шароит, тадбиркорларга берилаётган имтиёзлар, тижорат банклари микромолиявий хизматлари хусусидаги фикр-мулоҳазаларини тинглаб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Давра суҳбатида вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

**Даврон АҲМАД**
**олган сурат.**

Саломат бўлинг

**Тўғри ва меъёрида овқатланиш – тана қувватини тўлдириш, инсон ҳаёти ва фаолияти учун зарур бўлган витамин ҳамда микроэлементларга бой таом турларини киши танаси имкониятларига мос миқдорда истеъмол қилишни англатади. Турли озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишдан олдин унинг мақсадга мувофиқлиги ва тўғри тайёрланганига ишонч ҳосил қилиш керак. Яъни таом инсоннинг ёшига, меҳнат фаолиятига, иқлим шароитига мос келиши зарур. Тўғри овқатланиш саломатликни мустаҳкамлайди ва узоқ умр кўришга ёрдам беради.**

# ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНГАН УЗОҚ УМР КЎРАДИ

Овқатланишга нафақат қоринни тўйдириш, балки касалликларнинг олдини олиш нуқтаи назаридан ҳам қараш керак. Баъзи касалликлар етарли овқатланмаслик, баъзилари ортиқча ва нотўғри овқатланишдан келиб чиқади. Шунингдек, ифлосланган ёки ифлос идишларда ва ифлос жойда овқатланиш юқумли ошқозон-ичак касалликларига сабаб бўлиши мумкин.

Таълим муассасаларида ёшларнинг овқатланишини ташкил этишда бир қатор муҳим талабларга риоя қилиш керак бўлади. Жумладан, танаффусларда ейиш учун олиб борилган егуликлар сочиқ ёки бошқа тоза матога ўралиб, целлофан халтачаларга солинган бўлиши керак. Тоза ва ҳоли жойга ўтириб, егуликни салфетка устига қўйиб, қўлни ювгандан кейин шошилмай тановул қилиш керак. Овқатланиш оралиғида туриб кетиш, бақириб гапириш, юриб ейиш яхши одат эмас.

Ўқув муассасаси ҳовлиси ва унинг атрофларида, уй шароитида тайёрланиб, сотилаётган овқатлар саломатлик учун хавфли бўлиши мумкин. Шунинг учун уларни истеъмол қилиш тавсия қилинмайди. Ошхона ёки буфетда овқатланганда ҳам озодалик талабларига риоя қилиб, таомнинг сифати ва идишлар тозалигига эътибор бериш лозим.

Умуман, овқатни шошилмай, яхши чайнаб еган маъқул. Таом турларини аралаштирмай, асосан битта овқат тури билан чегараланиш керак. Овқатланиш вақтида ортиқча суюқлик, айниқса совуқ сув ичишни одат қилмаслик зарур.

**Саида ЮНУСОВА,**
**республика саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят филиали директори ўринбосари.**

Қарор ва ижро

# ЧОРВА – БАРАКА МАНБАИ

**Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги "Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш" маърузасида таъкидланганидек, мамлакатимизда аҳоли даромадларининг ошиб бориши билан унинг таркиби ўзгариб, тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромад ҳажми ортмоқда. 2000 йил билан таққослаганда, реал даромад аҳоли жон бошига 8,6 баробар кўпайди.**

Мамлакатимизда гўшт, сут, тухум етиштириш ҳажми ошмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 21 апрелдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳар бир оилада чорва моллари парвариши, уни боқаётган шахсларга пенсия дафтарчаси очилиши каби юмушларни рағбатлантиришда дастуриламал бўлаётир.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан маълум қилишларича, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида парваришланаётган қорамоллар сони йил сайин ортиб, ҳозирда 10 миллион 141 минг бошга етган. Молларнинг туёғи кўпайиши ва насли яхшиланиши маҳсулот етиштириш ҳажми ортишида муҳим омил бўлмоқда. Мустаҳкам оила йилида 1,7 миллион тонна гўшт, 7 миллион 310 минг тонна сут аҳоли дастурхонига етказиб берилди.

Бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, соҳада янгича ёндашувлар жорий этилмоқда. 2006-2012 йилларда Польша, Германия, Австрия каби давлатлардан 28 минг 263 бошдан зиёд наслли қорамол келтирилиб, 55 минг 519 бош бузоқ олинди.

Айни вақтда четдан келтирилган наслдор чорва молларини маҳаллий шароитга мослаштириш ва маҳсулдорлигини ошириш – доимий эътиборда. Жумладан, "Швиц" зотига мансуб қорамоллар Андижон вилояти Қўрғонтепа туманидаги "Аваз" фермер хўжалигида, "Қизил-чўл" зотли моллар Навоий ва Қашқадарё вилоятларидаги наслчилик хўжаликларида, "Қора-ола" зоти эса Тошкент вилояти Зангиота туманидаги "Тошкент" наслчилик фермер хўжалигида парваришланмоқда.

Оҳангарон туманидаги "Дўстлик йўли обод Эрам" фермер хўжалиги 2011 йил Германиядан 90 бош сигир олиб келган эди. Улар ҳозир ўртача 20 литр сут бермоқда, иккинчи туғишдан кейин эса 40 литргача сут бериши кутилмоқда.

– Хориждан зотдор чорва моллари келтиргач, даромадимиз йил сайин ортмоқда, – дейди фермер хўжалиги раҳбари Муҳит Бўриев. – Бугун юқори наслли моллардан ташқари хўжалигимизда яна икки юз бош қорамол парваришланмоқда. Келгусида ички имкониятларимиз ва банк кредитлари эвазига яна наслдор қорамоллар харид қилиш ниятидамиз.

Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидаги "Чорвадор", Қашқадарё вилояти Касби туманидаги "Юрт ризқи", Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ туманидаги "Милк Агро", Чиноз туманидаги "Юлдуз" фермер хўжаликларида ҳар бир сигирдан йилига ўртача қарийб 5 минг литр сут соғиб олишга эришилмоқда.

– 2012 йили Австриядан 31 бош ёш қорамол келтирдик, улар иқлим шароитимизга мослашди, биз уларни парваришлаш технологиясини ўзлаштиргач, самара бера бошлади, – дейди Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги "Ҳожиакбар" фермер хўжалиги раҳбари Акром Мунавваров. – Ҳозир кунига ўртача 20 литр атрофида сут оляпмиз. Ҳар ойда сутнинг ўзидан 21 миллион сўм даромад қиляпмиз.

Бугун мамлакатимизда мавжуд қорамолларнинг 95 фоиздан кўпроғи аҳоли хўжаликларида боқилмоқда. Ҳар йили ҳомийлар ва хайрия ташкилотлари томонидан кам таъминланган оилаларга соғин сигирлар, жумладан, наслдор қорамоллар тарқатилаётгани туфайли кўплаб оилалар рўзғоридаги барака янада ошмоқда.

Ҳа, чорвачилик ривожи оилаларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, янги иш ўринлари яратиш имконини беради. Бу оилалар фаровонлигидан ташқари бозорларимиздаги тўкинлик ва гўшт-сут маҳсулотлари нархи арзонлигининг муҳим омилидир.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

Муносабат

# «ШАШМАҚОМ»ДАН ИМТИҲОН

**Овоз ёзиш студияларида гуруҳ-гуруҳ бўлиб юрган ёшларни кўп кўрамиз. Улар чет эл қўшиқлари ёки ўзбекча алмойи-алжойи сўзларга басталанган хорижий мусиқа оҳангларига маст. Бақириқ-чақириги беўхшов рақсга чорлаётганидан гаранг...**

Қўшнимнинг ўғли туғилган кунида ўртоқларини чақирди. Тонггача шунақа қўшиқлар қулоқни қоматга келтирди. На илож, уларга тенглашиб бўладими?.. Бугунги ёшлар, очиғини айтганда, ўзбекча қўшиқ деганда фақат бир-иккита юлдузчаларнинг хиргойисини англашади. Тушунарсиз матн, шовқин-сурон оҳангларга қоришган аллақандай қўшиқларни тинглашади.

Бизлар ўз давримизнинг эстрадасига ҳам, мумтоз қўшиқларига ҳам кўникканмиз. Қолаверса қўшиқ, инсон юрагида меҳр-шафқат туйғуларини уйғотади. Чарчасак "Дилхирож"ни, "Ором"ни тинглаганларимизни эсланг, "ҳайдалиш, ажралиш куйидан чалинг" деган Отабекка аталган куйнинг лаззатли лаҳзаларини бир кўз олдингизга келтиринг. Одамни одамийликка қайтарган, дардларига малҳам бўлган ўшандай қўшиқларни нега болаларимизга бера олмаяпмиз? Турли каналлар ва тўлқинлардан тараалаётган ажабтовур оҳанглар, ўзбекчиликка таҳдид солаётган клиплар келажакка таҳдид эмасми? Эртанги кунимиз эгалари – бугунги ёшлар улардан "суғорилса", биз сув ичган булоқларга эҳтиёжи қолмайди-ку!..



Шеър деганда асрлар давомида қофия, вазн, туроғи оҳангга қоришиқ санъат асарини тушуниб келганмиз. ШЕЪР – эшик-дераза, устун-томи билан тугаллик касб этган бамисоли бир бино эди. Бобораҳим Машрабнинг, Огаҳий ёки Фурқатнинг шеърлари шунинг учун ҳам асрлар оша яшаб келаяпти-да! Бу мукаммал бинонинг битта ғишти тушиб кетса ҳам дарҳол англаш мумкинки, туроғи бузилибди, навоси жойидамас. Мутафаккир шоиримиз Алишер Навоий ҳам ўз таҳаллусини бежиз "наво" сўзидан илҳомланиб олмаган. Айтишларича, йигирма тўртта мумтоз куйнинг, бизгача сайқалланиб етиб келган навонинг муаллифи ҳам айнан шу бобокалонимиз! Хуросон шоҳи Ҳусайн Бойқаро эса ўн иккита куйнинг муаллифи!.. Демак, куй ва оҳанг бобида ҳам ўз қадриятларимиз, илдизи бақувват дарахтларимиз бор.

Яна бир гап: ўтган аср бошларида Италияда ақли заифлар беҳад кўпайиб кетибди. Ҳукумат шовқинли куй-қўшиқ яратганларга қарши жазо эълон қилибди ва она халқини мумтоз куйлар, халқона сокин оҳанглар билан бу балодан қутқариб қолибди!

Яхши қўшиқ, гўзал мусиқа инсонни мукаммалликка етаклайди. Ўқишни қойиллатиб замонга бўйлаётган болажонларимиздан гоҳ-гоҳ "Тановар"ни, "Дилхирож"ни эшитганмиз деб сўрайлик, "Шашмақом"дан имтиҳон қилайлик, билмаса, билдирайлик. Умри узун, асрлардек залворли "Муножот"ларимиз, "Тановор"ларимизга дўсту дугона тутинтирайлик!

**Умида АБДУАЗИМОВА.**




Қудратилла ишдан қайтаётса, маҳалладоши Қаюм ака уни тўхтатди:

– Ўғлим, орқаваротдан ҳар хил гаплар эшитиб юрибмиз, бу сенга ярашмайди.

Қудратилла ташвишланиб сўради:

– Қори ака, тушунтириброқ гапиринг...

– Тунов куни Раҳматилла амакингни кўргандим. Ёлғизлик қийнаб қўйибди чамамда.

Гап нимадалигини англаган Қудратилла ётиғича деди:

– Тўғри айтасиз, қариганда қийин бўлди амакимга. Келинойимиз қазо қилгач, ўзлари икки хоналик уйда зерикяптилар шекилли.

– Шуни айтяпманда. Қариган чоғида ёлғиз қолишни душманимга ҳам раво кўрмайман, – деди Қаюм ака. – Гап шу. Дадамнинг арвоҳини хурсанд қиламан десанг, амакингдан тез-тез хабар олиб тур. Янада яхши йўли – уни уйингга кўчириб кел. Дуосини олиб қолинглар.

Қудратилла эсини танибдики, куйди-пишди. Дадаси Моҳир ака раҳматли ҳам шунақа тиниб-тинчимасди. Қудратилла ёлғиз ўғил, опаси ва синглиси уйли-жойли бўлиб кетишган. Хотини Гулсум мактабда ўқитувчи, икки ўғиллари бор.

Болалар овқатдан сўнг туриб кетишгач, у хотини билан ёлғиз қолди.

– Қаюм акани кўргандим, – ўйчан гап бошлади Қудратилла. – Амаким тўғрисида гап очиб қолди. Ёлғизлатиб қўйманг, дейди. Биттаю битта амаким, балки тўғри айтаётгандир. Ҳовлимизга кўчириб келсаммикан?

Унинг гапини эшитиб, Гулсумнинг ранги ўчди. Буни эрига билдирмасликка ҳаракат қилиб, астагина деди:

– Қайдам, буни яхшилаб ўйлаб кўриш керак.

Қудратилла хотинининг одатини яхши билади. Йигирма йилга яқинлашяптики, эрига терс гапирмаган. Мабодо бирон нарса ёқинқирамаса, шу тахлит жавоб қилади.

Қудратилла болишга ёнбошлаб, хаёлга чўмди:

– "Қаюм аканинг гапи жўяли. Минг қилса ҳам жигармиз. Келаси ҳафта албатта кўчириб келаман", – деган тўхтамга келди.

Лекин дадаси негадир укасини хушламаслигини эслади. Бунга Султон амакисининг ўзи айбдор. Ўқишни битиргач, Моҳир ака уни ўқимишли қиламан деб роса югурди. Қайда, Султон нуқул ёғлироқ жойни хаёл қиларди. Ахийри савдодан бир таниш топиб, Моҳир ака укасини ишга жойлаштирди. Бошида иши яхши эди, кейинчалик ичкиликка берилди. Арзимаган нарса туфайли "ўтириб" ҳам чиқди.

Ҳозирги ҳовлини Моҳир ака анчагина қийинчилик билан қурган. Султонга эса ўз ёнидан икки хоналик уй олиб берганди.

Шуларни ўйлаб ўтирган Қудратилла хотини айвонга кириб келганини ҳам сезмади.

– Хаёл сураверманг, дадаси, бир гап бўлар, – деди хотини. – Ўғилларимиз катта бўлишяпти, амакингизга қанчалик меҳр-оқибат кўрсатсак, улар бундан ибрат олиб улғайишади.

Бу гапдан сўнг унинг фикри янада қатъийлашди.

Эртасига Қудратилла ишдан чиқиб, амакисининг шаҳар марказидаги уйига ўтди. У кириб борганида Султон ака ёшгина бир аёл билан суҳбатлашиб ўтирарди.

– Таниш, Зироатхон, – деди амакиси аёл томон имлаб.

Аёл ташқарига чиққач, Қудратилла мақсадга кўчди:

– Келинингиз билан маслаҳатлашиб, сизни кўчириб кетмоқчимиз, нима дейсиз?

Бу гапни эшитиб, Султон ака кўзига ёш олган бўлди:

– Мени ҳам ўйлайдиган кишилар бор экан-ку, жиян. Отангга балли, ўзим ҳам "дом"да сиқилиб кетдим. Ҳовлида яшашга нима етсин. Ундай бўлса, бу ерни сотиб, ҳовлининг камкўстига ишлатайлик. Бегонаникига эмас, туғишган акамнинг уйига боряпман ахир.

Қудратилла қўлини кўксига қўйди.

– Олдин уй-жойни сал тартибга келтирайлик, ундан кейин борсам ярашади, – деди амаки.

– Нима десангиз шу, – деди жиян қўл қовуштириб.

Эртасига эрталаб Султон ака тўрт устани бошлаб ҳовлига кириб келди.

– Биз турадиган уйларни обдон таъмирдан чиқарайлик, кўчиб келиш қочмас келин, – деди у Гулсумга.

Усталар ишга тушишди. Ҳовли этагидаги иморатларнинг томларини қўпоришди. Кечқурун Султон ака ҳаммасига аниқлик киритди:

– Жиян, ўша кунги аёл келинойинг бўлади. Қуни-қўшнилар бош қўшиб, унга уйлантириб қўйишмоқчи. Уч қизи бор. Кўплашиб яшашга не етсин. Сен ҳам, келин ҳам ўз фарзандимдек бўлиб қолгансизлар.

Усталар тўс-тўполон билан ишни давом эттиришарди. Ҳатто дадаси яхши кўриб, дам оладиган чоғроққина хонани ҳам ёнидагисига қўшиб, катта зал қилишди. Гулсум эрига:

– Дадамлардан қолган ёдгорлик эди, айтинг, анави шийпонни бузишмасин, – деди.

Қудратилла амакисига бунинг учини чиқарганди, бобиллаб берди:

– Акамга ҳам ҳайронман, шунча йил шу каталакда яшаган экансизлар-да. Эссиз, эссиз...

Қудратилла тилини тишлади.

Бир куни Султон амаки Гулсумни чақириб:

– Келин, булар биз учун ишлашяпти. Вақти-вақти билан иссиқ-совуғидан хабар олиб тургин, савоб бўлади. Мени озгина мазам бўлмай турибди, қарияпмиз. Раҳматли акам ҳаёт бўлганларида қанчалик хурсанд бўлардилар, – деди.

Бу гапни эшитиб, Қудратилла ва Гулсум бир-бирларига тикилиб қолишди.

Таъмирлаш ишлари жадал давом этарди. Усталар ҳар сафар ҳовлидаги бирор нарсани бузишаётганда, гўё эр-хотиннинг юрагини суғуриб олаётгандек бўлишарди. Султон ҳафталаб йўқ бўлиб кетар ва ҳар келганида:

– Тавба, акам шу бостирмада қандай яшаган экан, – дейишини қўймасди.

Уч ой деганда иморат битди. Бу вақт ичида эр-хотиннинг бўлари бўлди. Бирови бозорга югурса, бошқасининг қўлидан капгир тушмасди. Иш битган куни эшикдан Султон ака, хотини ва унинг уч қизи кириб келишди. Султон айтганидек, катта оила бўлиб яшай бошлашди. Гулсумнинг қўли косов, сочи супурги бўлиб қолди. Амакининг хотиню қизлари қўлларини совуқ сувга уришмасди. Шундан жанжал чиқди. Султон ака жиянини ёнига чақириб:

– Жиян, биз чиқишсак ҳам хотинлар майда гап бўлишади. Ҳовлининг ўртасидан девор олайлик. Сен ҳам тинчийсан, мен ҳам, – деди. – Майли девор ҳам менинг ҳисобимдан бўлсин. Хат-ҳужжатини кеннойинг тўғрилайди.

Бу гапни эшитган хотини лабини тишлади:

– Дадаси, болалар катта бўлишяпти, уй-жой керак, буёғи қандай бўларкин?

Эр-хотиннинг боши қотиб турганида, усталар девор олишни бошлаб юборишди. Қудратилла нима иш қилиб қўйганига ҳайрон. Бунинг устига орадан бир ой ўтмасданоқ "қўшни" ҳовлида бутунлай бегона кимсалар ғимирлаб қолишди. Суриштиришса, Султон амаки ҳовли-жойни сотиб, аллақачон кўчиб кетган экан.

**Неъмат РАФИҚОВ.**

# БИР ЖУФТ МЕДАЛЬ

**Болгариянинг София шаҳрида бокс бўйича ўтказилган анъанавий "Strandja Memorial - 2013" халқаро турнирида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари бир жуфт кумуш медални қўлга киритди.**

91 килограмм вазн тоифасида рингга чиққан ҳамюртимиз Мирзоҳид Абдуллаев финалгача беларуслик жаҳон чемпионати совриндори Сергей Корнеевни 14:10, мезбонлар вакили Кристиан Степановни 14:6 ҳисобида мағлубиятга учратди. Финалда Лондон Олимпиадаси совриндори Тервел Пулевга (Болгария) ютқазган ёш боксчимиз кумуш медаль билан кифояланди.

Вазни 52 килограммгача бўлган боксчилар беллашувида Олим Ҳусанбоев ярим финал учрашувида россиялик Абдураҳмон Ширинов устидан 21:20 ҳисобида зафар қучди. Финалда эса болгариялик Александр Александровга ютқазиб, иккинчи ўринни эгаллади.

**"Туркистон-пресс".**




## ИСТЕЪФОГАЧА ЯНА БЕШ ЙИЛ

**Куба давлати бошлиғи Рауль Кастро яна беш йилдан сўнг, яъни мамлакат етакчиси ваколати тугагач, истеъфога чиқади.**

"Бу менинг давлат бошлиғи лавозимидаги сўнгги муддатим" деди Кастро. 2008 йилда шу лавозимни расман эгаллаган Рауль илгари ҳам давлат ва партия етакчилиги лавозимларини ҳар бири беш йилдан икки марта эгаллаш билан чеклаш зарурлигини бир неча бор таъкидлаган эди.

Куба халқ ҳокимияти миллий ассамблеяси депутатлари давлат кенгаши таркибига яна 30 кишини сайладилар. 52 ёшли Мигель Диас-Канель 81 ёшли Рауль Кастронинг биринчи ўринбосари бўлди. Парламент раиси ҳам кейинги 20 йил давомида биринчи марта ўзгарди. Депутатларнинг қарорига мувофиқ Сиёсий бюро аъзоси, давлат кенгаши раисининг собиқ ўринбосарларидан бири Эстебан Ласо парламентга раис бўлди.

## ҚУРОЛ-АСЛАҲАЛАР ПОРТЛАДИ

**Вьетнамда қурол-аслаҳалар сақланаётган жойдаги портлашда учта уй қулаб тушди.**



Юз берган ҳалокат оқибатида 7 киши қурбон бўлди, 3 киши дараксиз йўқолди. Мамлакатнинг жанубидаги энг йирик шаҳарлардан бири Хошиминда кетма-кет икки марта юз берган портлаш сабаблари ҳозирча фақат тахмин қилиняпти. Xinhua агентлигининг полиция маълумотларига таяниб хабар қилишича, портлашларга енгил аланга оладиган воситалар сабаб бўлгани эҳтимолдан ҳоли эмас. Чунки қулаган уйлардан бирида яшовчи киши портловчи моддалар ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган компания ходими эди. Қутқарувчиларнинг аниқлик киритишича, ўша ходимдан ўқ отиш қуроллари ва гранаталар ҳам олиб қўйилган.

## АЁЛ ПРЕЗИДЕНТ ҚАСАМЁД ҚИЛДИ

**Корея Республикасининг биринчи аёл президенти қасамёд қабул қилди.**

Миллий мажлис олдидаги майдонда уюштирилган инаугурация маросимида Пак Кин Хе қасамёд қилар экан, у бошқарадиган маъмурият "халқнинг бахт-саодати ва ёруғ келажакдан умиди рўёбга чиқишида янги давр бошланиши" учун ҳамма чоралар кўрилишини ваъда қилди.

Маросимда 70 минг киши иштирок этди. Эрталабки тадбирлар олдидан яна бир маросим уюштирилди. Ярим кечада турли ижтимоий доиралaрга мансуб 18 вакил Сеул марказидаги қўнғироқни 33 марта чалди. Анъанага кўра, бу мамлакатнинг 18-президенти мансаб вазифасини бажаришга киришганини ҳам билдиради.

Шунингдек, Пак Кин Хе ярим тунда республика қуролли кучлари бош қўмондони вазифасини ҳам қабул қилиб олди.

## РЕЙСЛАР БЕКОР ҚИЛИНАДИГАН БЎЛДИ

**Япониянинг энг йирик компанияларидан бўлган "Олл Ниппон эйруэйз" (ANA) апрель ва май ойларида 1714 та ички ва халқаро рейсларни бекор қилади.**



Бунга энг янги "Боинг-787 Дримлайнер" йўловчи самолётларидан фойдаланишдан бош тортилаётгани сабаб бўлди. Бу зарурий чора, жумладан, Сан-Хосе, Сеул, Сиэтл ва Франкфурт йўналишларидаги парвозларга ҳам тааллуқлидир.

Шу тариқа ANA ҳаммаси бўлиб 16 январдан буёғига 3600 дан кўпроқ рейсларни бекор қилади. Гап шундаки, январь ойида "Дримлайнер" самолётларидан бири парвоз чоғида тутаб кетганлиги боис улардан фойдаланиш тўхтатилган эди. Американинг "Боинг" корпорациясига қарашли бундай самолётлар парвози бошқа қатор мамлакатларда, жумладан, АҚШнинг ўзида ҳам тўхтатиб қўйилганди. Айни кунларда халқаро комиссия "Боинг-787"нинг носозлиги сабабларини изламоқда. Ҳозирча бу ишнинг аниқ натижалари ҳақида ҳеч қандай ахборот йўқ.

## КАНАДАНИНГ БИРИНЧИ ОРБИТАЛ ТЕЛЕСКОПИ

**Канада давлати астероидларни излаб топувчи дунёдаги биринчи орбитал телескопини коинотга чиқарди.**

Бу нафақат Канаданинг, балки жаҳондаги биринчи телескоп бўлиб, орбитадан астероидларни топиш ва кузатиш мақсадида махсус ишлаб чиқарилган. У юз дақиқада ер шарини бир марта айланиб чиқиб, қуёш атрофидаги космик бўшлиқни суратга туширади. Бундан мақсад ҳозирча бошқа воситалар билан топиб бўлмайдиган астероидларни аниқлашдир.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Жиноятга жазо муқаррар

# ЭККАНИНИ ЎРДИ

Жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судида судланувчи, жабрланувчилар ва гувоҳнинг кўрсатмалари тингланиб, бошқа суд-процессуал амалиётлар бажарилгач, ҳукм ўқиб эшиттирилди, судланувчи Нодир Хўжаев 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиниб, суд залидан қамоққа олинди. Ундан жабрланувчилар Улуғбек Бурхонов фойдасига 4 миллион 458,6 миллион сўм, Дилшод Эсонов фойдасига 1 миллион 58 минг сўм ундириладиган бўлди.

Нодир Хўжаев қандай жиноят содир этдики, суд шундай жазо чораларини белгилади?

Халқимизнинг ибратли бир гапи бор. Киши нима экса, шуни ўради. Ҳеч бир қинғир ишнинг қийиғи чиқмай, жиноят эса жазосиз қолмайди.

Тўғри, аввалига ғайриқонуний ҳаракат ва ҳуқуқбузарлик содир этган шахс жарақ-жарақ пулларни қўлга киритиши мумкин. Лекин бу – вақтинчалик. Куни келиб, сир очилади, у одил суд олдида барча қилмишлари учун жавоб беради.

Юқори Чирчиқ тумани Бордонкўл қишлоғидаги "Қайтмас" маҳалласида яшовчи Нодир Хўжаев буни ўз бошидан ўтказди. 2005 йилдан бошлаб у Қозоғистон Республикасида бир неча марта ишлаб, "тажриба" орттириб келгач, таниш-билишларини сердаромад қурилиш ишларига жалб қила бошлади. Шу йўл билан ўзи ҳам мўмайгина фойда кўриб юрди.

– Алмати шаҳрида танишим Александр катта ҳажмдаги қурилиш ишларини топиб берди, – деди у суддаги кўрсатмасида. – Шунда "иш сўраб қўнғироқ қилган" тоғамнинг ўғли Шавкат Абдуллаевга уста болалар бўлса, олиб келишни айтдим. Узоқ қариндошим Улуғбек Бурхонов ҳам бирга келди...

У ўз маҳалладошларини



Алматига олиб бориб, қурилишларда ишлатишни, аниқроқ қилиб айтганда, одам савдоси билан шуғулланишни шу тариқа бошлаб юборди. Бунинг учун "яхши иш шароитлари", ойига 300 доллар маош, "бепул" ётоқ ва ошовқат хусусида ваъдалар берди.

Вақти келиб, судда ўз қилмишлари учун жавоб беришга тўғри келганида эса, ўзини минг кўйга солди, ўзи ҳам қурилишларда ишлаганини пеш қилди, фақат номигагина "прораб" бўлганини, қурилиш эгалари иш ҳақини вақтида тўлашмаганини қайта-қайта такрорлади. Аслида эса, у 2008 йил 12 августда Улуғбек Бурхоновни алдаб, 300 АҚШ доллари миқдорида ойлик маош тўланадиган қурилиш ишларини топиб беришни ваъда қилиб, давлат чегарасидан олиб ўтиб, Алмати шаҳрида 2009 йил 18 ноябргача ундан фойдаланган. Шу даврдаги ойлик маошининг бир қисминигина бериб, Улуғбек Бурхоновга 2950 АҚШ доллари ёки 4 миллион 458 минг сўмдан кўпроқ моддий зарар етказган. У ўзидан 14-15 ёш катта маҳалладоши Дилшод Эсоновни ҳам бақрайтириб туриб, тузоғига илинтирди. Уни ҳам Алматидаги қурилишда саккиз ой ишлатиб, 700 доллар иш ҳақини бермади.

Шундай йўл билан "Қайтмас" маҳалласида яшовчи Ҳасан Қаҳҳоровни ҳам алдаб-сулдаб, ишчи сифатида ёллади. Узоқ фурсат қурилишларда ишлатиб, турли баҳоналар билан 1500 доллар миқдоридаги ҳақини бермади.

– Мен уйга қайтиб келганимдан кейин хизмат ҳақимни талаб қила бошладим, – деди судда Қаҳҳоров. – Лекин у бир йилча алдаб юрди, пулларни жўнатмади. 2010 йил январь ойида Нодир уйига келганини эшитиб, пулимни олгани Жамшид акам билан бирга бордим. У Қозоғистонга қайтиб бориб, бир ойда пулни жўнатишга ваъда берди. Лекин яна алдади. Охири Дилшод Эсонов, Улуғбек Бурхонов билан бирга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага мурожаат этганимиздан кейин 1500 доллар миқдоридаги иш ҳақимни ундириб олдим...

Судда барча жабрланувчилар аниқ-тиниқ, асосли кўрсатмалар беришди. Терговишлари давомида тўпланган асослар, бошқа далиллар судланувчининг барча қилмишларини тасдиқлади. Суд уни Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 135-моддаси 2-қисмининг бир неча бандларида кўзда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топди ва юқоридагидек оқилона ҳукм чиқарди.

Қилмиш-қидирмиш деб шунга айтишади. Бошқаларнинг меҳнати ҳисобидан мўмайгина текин пул топаман деб, ўз мамлакати қонунларини бузган одам борки, вақти келиб қора курсига ўтиради. Оддий бир йигит – Нодир Хўжаевнинг қисмати бунга яққол мисол. У экканини ўрди.

**Жўрабек МУРОДОВ.**

Рассом хандаси




**ЭЪЛОНЛАР**

Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани хокимияти томонидан 2009 йил 20 августда № 3152 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "QAMAR MUXARRAM BARAKA" МЧЖ 01.03.2013 йилдан бошлаб устав фондини 396 005 861 (уч юз тўқсон олти миллион беш минг саккиз юз олтмиш бир) сўмдан 286 800 239 (икки юз саксон олти миллион саккиз юз минг икки юз ўттиз тўққиз) сўмга камайтиради.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида (+99898) 121-03-02 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

"PO`LAT BARAKA SERVIS" масъулияти чекланган жамиятининг устав жамғармаси 15 521 333 сўмдан 9 657 550 сўмга камайишини маълум қилади.

ООО "STEYK FOOD" (ИНН 302382806), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района г. Ташкента, расположенное по адресу: ул. Катартал, 2-проезд, дом 1, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол собрания № 1 от 26.02.2013г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 217-15-03.

ООО "AZAM I NET" (ИНН 300910394), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района г. Ташкента, расположенное по адресу: Чиланзар, ул. Мукими, 5, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол собрания № 1 от 26.02.2013г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 556-02-80.

"IBSUL-FEER INDUSTRIES" Ўзбекистон-Малайзия қўшма корхонасининг устав жамғармаси 300 000 АҚШ долларидан 149 000 АҚШ долларига камайишини маълум қилади.

Олмазор тумани ҳокимияти томонидан рўйхатга олинган "DUNYO OSH TUZI" масъулияти чекланган жамиятининг ташкилий-ҳуқуқий шакли "DUNYO OSH TUZI" хусусий корхонасига ўзгаришини маълум қилади.

"FAOL NUR" масъулияти чекланган жамияти "FAOL NUR MOMIQ" масъулияти чекланган жамиятига бирлашиб кетишини маълум қилади.

"FAOL NUR MOMIQ" масъулияти чекланган жамияти "FAOL NUR" масъулияти чекланган жамиятининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:

| | |
|---|---|
| Қабулхона: | 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс). |
| Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: | 233-12-83, 233-48-08. |
| Шартнома ва эълонлар: | 236-55-54. |
| Ҳисоб-китоб бўлими: | 233-54-10. |

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Бекзод ҲИДОЯТОВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма J 6519. Адади 16 691. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.15.